

**“ТАСДИКЛАЙМАН”**



**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун**

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Қарши шаҳар - 2022 йил

## **Танлов иштирокчиси учун йўрикнома**

Ушбу йўрикнома 2021 йил 22-апрелдаги ЎРҚ-684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисидаги” қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2018 йил 26 майда №3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиха бошқаруви Миллий агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги тартиби асосида ишлаб чиқилди.

### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

- 1.1 «Қарши йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси карашли объектларда бажариладиган қуриш-монтаж ишларида транспорт хизмат кўрсатиш
- 1.2 Танловининг юкори қиймати ККС билан бирга 600 000 000 (олти юз миллион) сум. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар кабул қилинмайди.
- 1.3.Махсулот бўйича техник топшириқ танлов хужжатларинг техник қисмида илова қилинган.
- 1.4. Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиккан «Бажарувчи» билан шартнома тузилади.
- 1.5. Ишларни бажариш муддати: Голиб бўлган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб белгиланган график бўйича
- 1.6 Ишларни бошлаш муддати: Аванс маблағлари ўтказилган кундан бошланади.

### **2.Танлов ташкилотчилари**

- 2.1 Қарши йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси (бундан кейин – «Буюртмачи» деб аталади – танлов ташкилотчisi хисобланади.

**Буюртмачи манзили: Қарши шаҳар Шайхали қўрғонча**

**Елек/адрес: ajumayev056@gmail.com**

Танлов «Буюртмачи» томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3.Танлов Иштирокчилари**

- 3.1.Танловда мулкчилик шаклидан кати назар шу мазмунда хизмат курсатишга ихтисослашган камида 2 йил тажрабага эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловга иштирок этиш учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади: танлов предмети қийматининг камида 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси , ишлар (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, шартнома тузиш юзасидан фуқоролик муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар, танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги
- 3.3 Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликда биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.
- 3.4 Кайта ташкил этилиш, тутатиш, ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулки мусодарага олинмаган, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд булмаганларга рухсат этилади.

## **4. Таиловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш.**

**4.1.** Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишида ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

**4.2.** Таилов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

**4.3.** Таилов хужжатларида кўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- техник қисм, “Буюртмачи” томонидан кўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- нархлар қисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажарини муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган холда ёки ҳар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган холда тақдим этилишилари лозим.

**4.4.** Кўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича кўйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар рўйхати ( брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

**4.5.** Таилов иштирокчиси:

- Факат битта таклиф бериш мумкин;
- Тақдим этилаётган хужжатларининг ҳакиқийлиги ва маълумотларнинг ҳакконийлигига тўлиқ жавобган бўлади;
- Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз тақлифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукуқига эга.

## **5. Таклифларни тақдим этиш муддатини узайтириш**

**5.1.** Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааллукли холда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

**5.2.** Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йиёилиш карори асосида амалга оширилади.

**5.3.** Таилов муддатини узайтириш тўгрисидаги карор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши мумкин.

## **6. Томонларнинг жавобгарлиги**

**6.1.** Давлат харидлари тўгрисидаги конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

**6.2.** Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган карор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

**6.3.** Таилов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳакиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўринатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **7. Бошқа шартлар**

**7.1.** Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўгрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тутайдиган санадан камида уч кун оддин карор қабул қилишга хакли Товарни (ишини, хизматни) ўзгартиришга йўл кўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар берини тутайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда

кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўгрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.


7.2. танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буортмачисига сўров юборишига ҳакли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш кун давлат буортмачиси, агар мазкур сўров давлат буортмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун мохиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиши ва баҳолаш баённомаси ҳарид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.


7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиши ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буортмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўгрисида сўров юборишига ҳакли. Давлат буортмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.


И.Боев



А.Жумаев



М.Музаффаров



М.Тухтамишов



М.Кодиров

